


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2019 йил 12 сентябрь, № 189 (7419) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА КАФОЛАТЛАНГАН ТУШУМЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 11 сентябрь куни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда Давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Қайд этилганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан мутлақо янги тизим яратилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги кўплаб бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда.

Ушбу янги тизим яқинда ташкил этилган Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг мувофиқлаштирувчи роли остида Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, жойлардаги ҳокимларнинг биринчи ўринбосарлари бошчилигидаги иқтисодиёт комплекси ташкилотларининг мазкур йўналишда ҳамжиҳатликда изчил ишлашини назарда тутади.

Тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак бериш мақсадида уларга тижорат банклари ўзига хос бизнес-ҳамкор бўлишини таъминлаш бўйича янги концепция амалиётга жорий қилинмоқда.

Бундай тизимли амалий чоралар натижасида жорий йилнинг ўтган 8 ойида 70 мингта янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 баробар кўпдир.

Шу билан бирга, ҳудудларда ишлатилмаётган резерв ва имкониятлар етарли. Соҳани ривожлантириш бўйича янги тизим қандай ишлаши кераклигини жойларда кўпчилик раҳбарлар ҳали чуқур англаб етмаяпти.

Бош вазир қабулхоналари ташкил этилганидан кейин ўтган уч ой мобайнида уларга 12 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушган, уларнинг асосий қисми кредит, ер ажратиш ва бошқа масалалар билан боғлиқ.

Мурожаатларнинг аксарияти Тошкент, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд вилоятларига тўғри келган. Улардан 9 мингтаси ёки 75 фоизи жойида, шундан 40 фоизи бевосита туман даражасида ҳал бўлган. Бу ҳолат илгари қуйи бўғин раҳбарлари тадбиркорлик соҳасидаги муаммолар билан умуман шуғулланмаганидан далолат беради.

Вазирлар Маҳкамасига Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги билан бирга Бош вазир қабулхоналарига тадбиркорлик субъектларидан тушаётган мурожаатларда кўтарилаётган муаммолар имкон қадар жойида ҳал этилишини доимий равишда муҳокама қилиб бориш топширилди.

Шунингдек, марказий идоралар ва вазирликлар раҳбарларидан иборат таркибда 6 та ҳудудий Ишчи гуруҳ тузган ҳолда, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги тизимни мамлакатнинг бошқа туман ва шаҳарларида жорий этиш, жойларда бу борада ишлатилмаётган имкониятларни сафарбар қилиш юзасидан аниқ чоралар белгилаб берилди.

Жумладан, Ишчи гуруҳларига ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ва салоҳиятини ўрганиб, уларни қайси йўналишларга ихтисослаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда шунга мос равишда янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш юклатилди. Шунингдек, жойларда тадбиркорлар иштирокида уларни қизиқтирган масала ва муаммолар юзасидан очиқ мулоқотлар ўтказиб, мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриб бориш топширилди.

Мажлисда бизнес муҳитини яхшилаш бўйича қонуний асосларни такомиллаштириш ва аниқ йўналтирилган амалий чоралар кўриш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, бизнес юритиш, лицензия ва рухсатномаларни олиш бўйича киритилган янгиликлар амалиётда ҳали тўлиқ ишга тушиб кетмаётгани танқид қилинди. Хусусан, Давлат хизматлари ягона реестрига киритилган 693 та хизмат туридан атиги 103 таси ёки 15 фоизи давлат хизматлари марказлари орқали ва электрон тарзда кўрсатилмоқда холос. Бу эса тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган шахсларга қийинчилик туғдирмоқда.

Шунинг учун Адлия вазирлигига тадбиркорларга онлайн тизимда ахборот-маслаҳат хизматларини жорий этиш, қоғозда кўрсатилаётган барча давлат хизматларини электрон кўринишга ўтказиш бўйича бир ой муддатда тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, қурилиш ҳужжатларини келишишнинг ягона онлайн тизимини амалиётда тўлиқ ишлатишни таъминлаш бўйича зарур чоралар белгилаб берилди.

Кўплаб чет мамлакатларда бизнес субъектлари 3 тоифага (кичик, ўрта ва йирик) бўлинган ва давлат томонидан ҳар бир тоифага нисбатан алоҳида қўллаб-қувватлаш сиёсати олиб борилади. Лекин Ўзбекистонда иқтисодиёт ривожида алоҳида роль ўйнайдиган "ўрта бизнес" тушунчаси, афсуски, умуман йўқ.

Шуни ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли вазирликларга ўрта бизнес тоифасини жорий этиш, кичик, ўрта, йирик бизнес мезонларини қайта кўриб чиқиш, уларни алоҳида механизмлар асосида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича уч ой муддатда аниқ таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала — Давлат бюджетига тушумларни таъминлаш ҳолати кўриб чиқилар экан, ўтган 8 ойда бу борадаги кўрсаткичлар прогнозга нисбатан юқори бўлгани алоҳида қайд этилди.

Даромадларни ошириш бўйича фойдаланилмаган захираларни ишга солиш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Якка тартибдаги тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солиқ бўйича тушумларни таъминлаш, яширин иш ўринларини легализация қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида кўп миллиард сўмлик солиқ қарздорлиги ундирилмагани, қатор туман ва шаҳарлар раҳбарлари изланмай, йирик солиқ тўловчилар ҳисобига прогноз кўрсаткичларини бажаришда давом этаётгани танқид қилинди.

Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки экспертлари иштирокида тузилган Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш бўйича инспекция солиқ резервларини ўрганиш ва тушумларни кўпайтиришда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди. Ушбу ишларнинг самарасини ошириш учун йирик солиқ тўловчиларни электрон ҳисоб фактураларига ўтказиш ва уларни бухгалтерияни компьютерда юритиш дастурларига боғлаш кераклиги таъкидланди.

Молия вазирлигига қўшимча қиймат солиғи ставкасини камайтириш бўйича аниқ асосланган таклиф киритиш топширилди.

Бюджет тушумларининг 21 фоизини таъминлайдиган 20 та шаҳар ва туман билан бевосита ишлаш учун уларга мутасадди раҳбарлар бириктирилди.

Давлат бюджетининг даромадлар қисмини бажаришда сусткашликка йўл қўяётган ҳудудий солиқ идоралари раҳбарлари огоҳлантирилди. Президент прогнозни олдиндан тўлов ҳисобига бажариш қатъиян ман этилишини таъкидлади.

Тадбиркорлар, экспертлар ва илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари иштирокида ўтказилган муҳокамаларда билдирилган таклифларни инобатга олиб, Солиқ кодексининг янги таҳрири лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ва ҳокимларнинг ҳисоботи ва таклифлари эшитилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 24 августда маъқулланган

**1-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги 754–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) **15-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги 915–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модда биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги** «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **11-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **13-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбари, шунингдек ҳудуддаги профилактика инспекторлари» деган сўзлар «шунингдек ҳудуддаги профилактика инспекторлари ва уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг йигирма иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасига аъзолар қабул қилади»;

4) **14-модда биринчи қисмининг ўн учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари фаолияти устидан назоратни амалга оширади»;

5) **25-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ҳамда Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ–4126-сон қарорини самарали амалга ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширувчи ваколатли давлат органи ҳисобланувчи **Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги**ни (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий ижросини таъминлаш;

истеъмолчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлиқ маълумотларни, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда олиш имкониятларини таъминлаш;

аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва уларнинг сифатини назорат қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш;

истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатларининг олдини олиш;

тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини такомиллаштириш, реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

истеъмол бозорини, давлат томонидан нарх-навоси тартибга солинадиган товарларга (ишларга, хизматларга) нархларнинг динамикаси ва нарх шаклланиши механизмларини ўрганиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

2. Қуйидагилар:

**Агентликнинг марказий аппарати** бошқарув ходимларининг чекланган сони 38 нафардан иборат тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

**2019-2020 йилларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 3-бетда).

«Forbes»:

## «ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАҲБАРЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАРИ ҚАТОРИГА ҚЎШИЛДИ»

***«Forbes» журналининг электрон нашрида халқаро молиявий шарҳловчи Райнер Майкл Прейсснинг Ўзбекистонга бағишланган мақоласи эълон қилинди.***

Forbes

**Эътироф**

Р. Прейсснинг таъкидлашича, Ўзбекистон инвестиция фаолияти бўйича жаҳонда энг яхши намуна бўлиши мумкин. "Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон дунёнинг жадал ривожланаётган давлатлари қаторига қўшилди. Бор-йўғи икки йил ичида мамлакат эркин бозор тамойилларига асосланган ва қиймати 50 миллиард долларга тенг иқтисодиётга эга бўлди. Ўзбекистон иқтисодиёти сармоядорлар диққат-эътиборини тортмоқда. Президент валюта сиёсатини ўзгартирди, капитал устидан назоратни бекор қилди ва хусусийлаштириш кампаниясини бошлаб юборди. Мамлакат иқтисодиёти мазкур ислоҳотлар самарасида 2018 йил 6 фоиз ўсди. Халқаро валюта жамғармаси яқин бир неча йил давомида Ўзбекистонда ўсиш суръати 8 фоизга тенг бўлишини башорат қилмоқда. 2019 йилнинг биринчи ярмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тўрт баробар ошди. 2018 йил якуни бўйича мамлакатга келаётган туристлар сони икки марта кўпайди", деб ёзади шарҳловчи.

Жорий йил февраль ойида мамлакат халқаро бозорда биринчи марта 1 миллиард долларлик еврооблигацияларни сотди. Республика халқаро рейтингларда "S&P Global Ratings" ва "Fitch Ratings" томонидан ВВ- даражада баҳоланди.

Мақола муаллифи "Mobius Capital Partners" инвестиция жамғармаси асосчиси М. Мобиуснинг дунё молия бозорлари Ўзбекистоннинг кредит рейтингини эътироф этаётгани ҳақидаги фикрларини келтиради. Мамлакат инвесторлар учун жозибадордир, чунки унинг табиий бойликлари беқиёс ва пахта экспорти бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини муқим эгаллаб турибди.

Ўзбекистон банк сектори сармоядорлар томонидан бизнес юритиш учун истиқболли йўналишлардан бири сифатида кўрилмоқда. Мамлакат аҳолисининг катта қисми шу пайтгача банк хизматидан фаол фойдаланмай келган. Бироқ яқинда қабул қилинган янги қонунга биноан ойлик маошини тўлаш жараёни банкдаги ҳисоб рақамга боғланадиган бўлди. Бу эса соҳадаги вазиятни кескин ўзгартириши мумкин, деб ҳисоблайди муаллиф.

3

## ҲУНАРМАНДЛАР «ХАЗИНАСИ»

### ҚЎҚОНГА ТАШРИФ БУЮРГАНЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛМОҚДА

*Шу кунларда Қўқон шаҳрида Халқаро ҳунармандчилик фестивали шукуҳи ҳукмрон. Махсус ажратилган 17 гектарлик Ўрдаолди майдонига жойлаштирилган расталарда ҳунармандлар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Улардан бири "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичида мунтазам иштирок этиб келаётган чустлик пичоқчи Баҳром Мамажоновдир.*

INTERNATIONAL FESTIVAL OF HANDICRAFTERS KOKAND - 2019



У фестивалга 20 дан ортиқ шогирдлари билан ташриф буюрган. Ҳунарманднинг "хазинаси"дан жой олган миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини кўздан кечирар экансиз, тарих китоблари ва афсоналардан бизга маълум ва машҳур халифа Алининг қиличига айнан ўхшаш қиличга кўзингиз тушади. Узунлиги 1,5 метр, эни 8 сантиметрни ташкил қилувчи ушбу қилич кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

— 360 хил пичоқ ва 96 турдаги қилич намуналари билан халқаро фестивалда қатнашяпмиз, — дейди Б. Мамажонов. — Мазкур нуфузли анжуман ташкил этилгани бизни беҳад қувонтирди. Ўз салоҳиятимизни, ҳунаримизни кўрсатиш учун бу жуда катта имкониятдир.

3

## ТОМОШАБИН БЎЛИБ ЭМАС, ИСЛОҲОТЛАРГА ДАХЛДОР БЎЛИБ ЯШАШ КЕРАК

*Пойтахтимизнинг Сергели туманида "Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кекса авлод вакилларининг ўрни" мавзуида семинар ўтказилди. Ички ишлар вазирлиги, "Нуроний" жамғармаси ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, Сергели ва Бектемир туманларидаги фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.*

**Тадбир**

Кейинги йилларда жамият ҳаётига дахлдор бўлган барча масалада маҳалланинг иштирокини таъминлаш, уни халқчил тузилмага айлантиришга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу бежиз эмас. Негаки, аҳолини қийнаётган муаммоларни, унинг талабини, эҳтиёжини кўпроқ маҳалла яхши билади. Шу боис халқни рози қилиш йўлида давлат, энг аввало, маҳалланинг амалий кўмагига таянади.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларда Президентимизнинг "Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлиб келаётир. Ушбу ҳужжатда маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлашда кекса авлод вакиллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг нафақадаги ходимлари бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида "Кексалар маслаҳати" гуруҳларини шакллантириш белгилаб берилган эди.

Хўш, кекса авлод вакиллари бу ишончни қанчалик оқламоқдалар? Семинарда нуронийларимиз муносиб тарзда жавоб бера олмаётгани афсус билан қайд этилди. Масалан, оилавий ажралишлар, оила-турмуш муносабатларида, жиноятчиликнинг олдини олиш ишларида улар фаоллик кўрсатмаётир.

4

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Судлар тўғрисида»**ги 924–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 4, 136-модда; 2018 йил, № 7, 486-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **61-модданинг**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, аввалямбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судининг, туман (шаҳар) маъмурий судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкин»;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида мажбурий тартибда ўқиши шарт. Ўқиш даврида улар асосий иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод этилади, бироқ ўқишнинг бутун даврида иш жойи (лавозими) сақланади»;

2) **62-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Ўттиз ёшдан» деган сўзлар «Ўттиз беш ёшдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «сайлов кунида ўттиз ёшга тўлган» деган сўзлар «сайлов кунида ўттиз беш ёшга тўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **63-модданинг**:

**тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **72-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда) **283-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг 193-моддасида назарда тутилган депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг кафолатлари бузилган тақдирда, тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари девонлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари котибиятлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузмасдан ўзининг аризасида ҳуқуқбузарнинг шахси, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти ҳақидаги маълумотларни, шунингдек ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга»;

**бешинчи қисми олтинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Адвокатура тўғрисида»**ги 349–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2018 йил, № 10, 673-модда; 2019 йил № 1, 3-модда, № 5, 267-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **$3^{1}$-модда** қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Адвокатлик гувоҳномасининг шакли ва уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

2) **17-модда биринчи қисмининг**:

**олтинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**еттинчи хатбошиси олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган **«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»**ги 763–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 115-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2012 йил, № 4, 106-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) **8-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»**ги 120–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7–8, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 4, 98-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин»;

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин»;

2) **22-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Чиқиндилар тўғрисида»**ги 362–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 72-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 40-модда, № 10, 671-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси»;

2) **10-модданинг номи** ва **биринчи хатбошисидаги** «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг» ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар тегишинча «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг» ва «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Экологик назорат тўғрисида»**ги ЎРҚ–363-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 12, 352-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) **11-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси – саноат хавфсизлигига, радиациявий ва ядровий хавфсизликка, ер қаъридан фойдаланилаётганда ишларнинг бехатар олиб борилишига риоя этилиши юзасидан».

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган **«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–371-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 5, 267-модда) **21-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари фаолияти устидан назоратни амалга оширади».

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган **«Ички ишлар органлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–407-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда) **15-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**иккинчи қисмидаги** «ва инспекторларидан» деган сўзлар, «инспекторларидан ва уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «жамоатчилик тузилмалари» деган сўзлар «жамоатчилик тузилмалари аъзолари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»**ги ЎРҚ–427-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 135-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгаш раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва у бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабини бошқаради»;

2) **7-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун:

судьялик лавозимларига номзодларнинг захирасини шакллантиради;

судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлашни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ва раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг раисларини ва судьяларини лавозимга тайинлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялик лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига қонунга мувофиқ хулосалар (тақдимномалар) киритади;

Судьялар олий малака ҳайъатининг тавсиясига кўра судьяларни уларнинг ваколатлари муддати даврида ўз аризаларига асосан вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг раислари ва судьялари лавозимларига қайтадан тайинлайди;

Судьялар олий малака ҳайъатининг тавсиясига кўра судьяларни ўз аризаларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьялари лавозимларига қайтадан тайинлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтиради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ёхуд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланадиган судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар (таклифлар) киритади;

қонунда назарда тутилган ҳолларда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг раислари ва судьяларини лавозимидан озод қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига хулосалар киритади;

судьяларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

судьялар ва ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи Кенгаш аъзоларига нисбатан хизмат текширувлари ўтказади;

судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқади ва материалларни судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига юборади;

ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи Кенгаш аъзоларини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади;

судьяларни жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш масалалари юзасидан хулоса беради;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми кўриб чиқиши учун киритади;

судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, уларнинг фаолиятини текширади, судьяларнинг малака ҳайъатлари раислари ҳисоботларини эшитади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади;

судьяларнинг фаолиятини уларнинг касбига муносиблиги нуқтаи назаридан ўрганади;

Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексини тасдиқлайди;

судьяларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш мезонларини тасдиқлайди;

судьяларни касбий тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишга доир дастурни тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти директорининг мазкур департамент фаолияти тўғрисидаги ахборотини ҳар йили эшитади;

судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларнинг, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларнинг шахсий ва касбий сифатлари даражасини ўрганиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек мансабдор шахслардан ҳамда фуқаролардан Кенгаш фаолияти билан боғлиқ зарур ахборотни, ҳужжатларни ва бошқа материалларни сўраб олади;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Регламентини тасдиқлайди.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

3) **10-модданинг**:

**иккинчи хатбошисидаги** «Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказини» деган сўзлар «Судьялар олий мактабини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи хатбошиси учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

4) **17-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«номзоднинг кўрсатилган судьялик лавозимига муносиблиги ёки муносиб эмаслиги ҳақида ёхуд номзоднинг такрорий танловда иштирок этиши учун рухсат бериш ҳуқуқини қолдириш тўғрисида»;

5) **18-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгаш судьялик лавозимига биринчи марта, навбатдаги ўн йиллик муддатга ва судьялик лавозимида бўлишнинг кейинги муддатсиз даврига тайинланадиган (сайланадиган) номзоднинг муносиблигини аниқлашда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раҳбарлик лавозимларига номзодни тайинлашда (сайлашда) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан зарур ахборотни сўраб олиши мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Кенгашнинг сўрови олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда тегишли хулосани тақдим этиши керак»;

6) **20-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгаш судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасини (бундан буён матнда захира деб юритилади) шакллантиради.

Захирага киритилиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Кенгашга ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Мазкур ариза икки ой ичида кўриб чиқилади.

Захирага судьялик лавозимлари учун зарур билимга, етарли ҳаётий тажрибага ва бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган юқори малакали юристлар орасидан ўттиз уч ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари киритилиши мумкин.

Қуйидаги шахслар захирага киритилиши мумкин эмас:

муқаддам судланганлар;

одил судловни амалга оширишга монелик қиладиган касалликларга ёки жисмоний нуқсонларга эга бўлганлар;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун ваколатлари олдинги иш жойи бўйича белгиланган тартибда тугатилганлар;

судьялик лавозимига муносиб эмаслиги туфайли захирага киритишни рад этиш ҳақида Кенгаш хулосаси қабул қилинганидан кейин бир йил ўтгунига қадар захирага киритиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганлар.

Захирага киритиш судьялик лавозимига номзоднинг ушбу Қонунда назарда тутилган мезонларга муносиблигини ўрганиш ва Кенгаш томонидан белгиланадиган тартибда ўтказиладиган имтиҳондан муваффақиятли ўтиш натижаларига кўра, Кенгашнинг қарори билан амалга оширилади.

Судьялик лавозимига номзод қуйидаги ҳолларда захирадан чиқарилади:

захирадан чиқариш тўғрисида ўзи ариза берганда;

унинг ўқиш натижалари қониқарсиз баҳоланганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

унда одил судловни амалга оширишга монелик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар пайдо бўлганда;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда;

вафот этганда ёки у суд қарори билан вафот этган деб эълон қилинганда;

жиноят ёки ўзининг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи бошқа хатти-ҳаракатлар содир этганда;

унинг судьялик лавозимига номуносиблиги ҳақида хулоса чиқарилганда»;

7) **24-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**24-модда. Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларни танлаш тартиби**

Бўш судьялик лавозимлари тўғрисидаги ахборот Кенгашнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодларни кўриб чиқиш муқобиллик асосида амалга оширилади.

Захирага киритилган судьялик лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида ўқишни муваффақиятли тамомлаганидан кейин бўш судьялик лавозимларини тўлдириш учун танловда иштирок этиш тўғрисида бевосита Кенгашга ариза бериш ҳуқуқига эга.

Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларни, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларни танлашда Кенгаш томонидан белгиланадиган тартибда турли ўрганиш усулларидан – суҳбат ўтказишдан, мустақил экспертлар томонидан тест синовидан ўтказишдан, берилган муаммолар бўйича мавзуга оид рефератлар тайёрлашдан, экспресс сўровлардан фойдаланилиши мумкин.

Судьялик лавозимига номуносиблиги туфайли ўзига нисбатан Кенгашнинг захирага киритиш рад этилганлиги тўғрисидаги хулосаси чиқарилган шахс бир йил ўтгач, захирага киритиш тўғрисидаги ариза билан Кенгашга такроран мурожаат қилиши мумкин.

Захирага киритиш бошқа сабабларга кўра рад этилган шахс рад қилиш сабаблари бартараф қилинганидан кейингина захирага киритиш тўғрисидаги ариза билан Кенгашга такроран мурожаат қилиши мумкин»;

8) қуйидаги мазмундаги **$24^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$24^{1}$-модда. Судьянинг ваколатлари муддати тугаганидан кейин уни судьялик лавозимига ва бошқа судьялик лавозимига тайинлаш тартиби**

Янги ваколат муддатига ўз номзодини кўрсатиш истагини билдирган судья ваколатлари муддати тугашига камида олти ой қолганда аризани ва зарур ҳужжатларни тегишли судьяларнинг малака ҳайъатига беради.

Бошқа судьялик лавозимига ўз номзодини кўрсатиш истагини билдирган судья, бунинг сабаблари ва асосларини кўрсатган ҳолда Кенгашга ариза беради.

Судьялар олий малака ҳайъати судьяни янги муддатга ёки бошқа судьялик лавозимига тайинлаш мумкинлиги ҳақида Кенгашга хулоса тақдим этади.

Кенгаш вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси, туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий судлар раислари ва судьялари лавозимларига номзодлар бўйича жамоатчилик фикрини Кенгаш томонидан тасдиқланадиган тартибга кўра ўрганади.

Судьянинг ваколатлари муддати тугаганидан кейин Кенгаш уч ой ичида номзоднинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки номуносиблиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиши керак.

Агар судья ўзи даъвогар бўлган лавозим талабларига жавоб бермаса, Кенгаш уни қуйи турувчи судьялик лавозимига кўриб чиқиш масаласини кун тартибига киритишга ҳақли.

Илгари судьялик лавозимида ишлаган шахсларни судьялик лавозимига кўрсатиш тўғрисидаги масала янги ваколатлар муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига тақдим этилган судьялар учун қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади».

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган **«Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–444-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 508-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **25-моддадаги** «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**15-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 10 сентябрь
№ ЎРҚ—566

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг (кейинги ўринларда — Қўмита) ҳудудий бошқармаларига уларнинг ташкилий тузилмасида **истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармаларини** ташкил этиш учун қўшимча 142 нафар штат бирлиги ажратилсин.

Белгилансинки, Агентлик ва Қўмита ҳудудий бошқармаларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармалари штат бирликлари 2019 йилда тегишли вазирлик ва идоралар, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини мақбуллаштириш ҳисобидан жамланади.

4. Агентликка қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

а) чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар ва хизматларнинг назорат харидини ўтказиш, уларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослиги жиҳатидан экспертизадан (тестдан) ўтказилишини ташкил қилиш;

б) истеъмолчилардан ариза ва шикоятлар тушган ҳолларда истеъмолчилар ҳуқуқларига риоя қилинишини ўрганиш;

в) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари мавжуд бўлганда, тадбиркорлик субъектларида (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда) текширишлар ўтказиш;

г) истеъмолчиларга товарларни (ишларни, хизматларни) яроқлилик муддати, сақлаш ва хизмат кўрсатиш муддатини бузган ҳолда реализация қилиш ҳолати аниқланганда:

ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан давлат органларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилот, муассаса ва корхоналарга, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши аломатлари аниқланганда материалларни ваколатли органларга, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг (рухсат берувчи ҳужжатларнинг) амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги масаласини ҳал этиш учун тегишли органлар ва ташкилотларга юбориш;

истеъмолчиларнинг номуайян доираси ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини бузган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш учун судларга аризалар билан мурожаат қилиш;

д) даврий босма нашрлар, китоб маҳсулотлари назорат нусхалари, теле ва радиодастурлар эфирларида жойлаштирилган ҳужжатли материаллар, рекламани тайёрлаш, жойлаштириш ва тарқатишга оид материалларни бепул олиш.

Агентлик ва Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

5. Белгилансинки:

Агентлик таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш ҳақида Агентлик ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар ҳамда мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ижро этиш учун мажбурийдир;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, мансабдор шахслар, шунингдек, мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар Агентликнинг талабига биноан унга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт;

Агентлик тугатилган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш йўналишидаги барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Агентликка Қўмита раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик директорининг ўринбосари Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Агентлик директори меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизматларидан фойдаланиш шароитларига кўра вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентлик ходимларига нисбатан Қўмита ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва тиббий хизмат кўрсатиш тартиби қўлланилади.

6. Агентлик директорига Қўмита раиси билан келишилган ҳолда:

зарур ҳолларда, Агентлик марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига Агентлик бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Агентлик бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармаларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармалари тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи миқдори ҳамда бошқа тўловларни белгилаш орқали малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ходим ва маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

Агентлик ходимлари учун, қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, улар эгаллаган асосий лавозими бўйича лавозим маошларига (тариф ставкаларига) устамалар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар белгилаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Агентлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда 2020 йил 1 февралга қадар “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини, истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари аниқланганда Агентликнинг ушбу ташкилотлар билан ҳамкорлигини, товарлар (ишлар, хизматлар) мустақил экспертизасини ўтказиш механизмини назарда тутсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. А. Ғуломов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 сентябрь

---

«Forbes»:

# «ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАҲБАРЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАРИ ҚАТОРИГА ҚЎШИЛДИ»

1

Материалда Ўзбекистон тараққиёти учун имкониятлар сероблиги алоҳида тилга олинади. Бунда 33 миллионлик аҳолининг 64 фоизи 35 ёшгача бўлган ёшлар эканига эътибор қаратилди. Мамлакат Марказий Осиё минтақасига ўзига хос кўприк бўлиб ҳам хизмат қилади. Зеро, у Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Афғонистон билан чегарадошдир.

“Мамлакат раҳбарияти изчил индустриализация сиёсати юритмоқда. Масалан, бугунги кунда Жанубий Корея ва Хитой компаниялари билан электромобиллар ва ички ёниш двигателли автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар устида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. 2018 йил декабрь ойида Хитой, Жанубий Корея, Япония ва Россиядан Шўртан газ-кимё мажмуасини модернизация қилиш учун 2,3 миллиард доллар миқдоридаги инвестиция жалб қилинди”, дейилади.

Мақолада Ўзбекистон қадимий Буюк Ипак йўлининг муҳим маркази сифатида ном қозонгани таъкидланади. 344 километрлик юқори тезликдаги темир йўл билан боғланган Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари жаҳон савдо-сотиқ жараёнида муҳим роль ўйнайди. Бугун Тошкентда қиймати 1,7 миллиард долларга тенг тадбиркорлик хаби яратиш бўйича йирик лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда. Унга кўра, 70 гектарлик майдонда бизнес марказлари, савдо мажмуалари, ресторанлар, маданият маркази, тураржойлар қад ростламоқда.

Мақола “AFC Uzbekistan Fund” жамғармаси ижрочи директори С. Ошроффнинг “хорижлик сармоядорлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар аҳамиятини англаб етадиган вақт келмоқда” деган жумлалар билан якунланади.

**«Дунё» АА.**

*Муаллиф бугунги кунда Сингапурдаги “Taurus Family office” компаниясининг ижрочи директори ҳисобланиб, у блокчейн, криптовалюта, жамғармаларни бошқариш, инвестицияларни тадқиқ қилиш, савдо-сотиқ ва сармоялар киритиш масалаларига ихтисослашган.*

---

# ЭНЕРГИЯГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИШЛАР АКС ЭТМОҚДА?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси тайёрланди.*

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Хўш, унда соҳага оид қандай қўшимча ва ўзгартишлар ўз ифодасини топмоқда? Унинг аҳамияти нималардан иборат?

Парламент қуйи палатасида депутатлар, соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган давра суҳбати мазкур қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланди.

Лойиҳа энергия самарадорлигини ошириш, илғор хорижий тажриба асосида энергия тежовчи технологиялар, қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш ҳамда бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган. Бу масаланинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Депутатлар қайд этганидек, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ижроси бўйича ҳудудлардаги иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда ўтказилган назорат-таҳлилларда энергия ресурслари истеъмоли самарадорлигини мониторинг қилишнинг таъсирчан тизими, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, муассасалар ҳамда ташкилотларда замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича хизматларнинг мавжуд эмаслиги аниқланган. Ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш ишлари суст. Бу эса энергия ресурслари харажатларини мақбуллаштириш имконини бермаяпти.

Ана шундай тизимли муаммоларни бартараф этиш мақсадида қонун лойиҳасида Вазирлар Маҳкамаси ва Энергетика вазирлигининг ваколатлари аниқ белгилаб берилди. Жумладан, кўп квартирали уйларда энергия самарадорлиги тоифаларини аниқлаш қоидаларини белгилаш, қўшимча энергия самарадорлиги кўрсаткичлари бўлиши шарт товарлар, ишлар, хизматлар таркибини белгилаш, энергия самарадорлиги паст бўлган маҳсулотларнинг мамлакатда ишлаб чиқарилишини ёки импортини чеклаш, давлат органлари ва ташкилотларига энергия ресурсларини иқтисод қилиш, ундан оқилона фойдаланиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш юзасидан қонунчилик талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати тартибини белгилаш каби қўшимча нормалар киритиляпти.

Мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини, хусусан, давлатимизнинг халқаро имижини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатдошлигини таъминлаш, бизнесда барқарор фойдага эришиш имкониятини яратиш, бюджетга тушумларни кўпайтириш ҳамда халқимизнинг реал даромадларини юксалтиришга хизмат қилади.

Якунда муҳокама этилган барча масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

---

# ҲУНАРМАНДЛАР «ХАЗИНАСИ»

## ҚЎҚОНГА ТАШРИФ БУЮРГАНЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛМОҚДА

1

Қўлимда турган пичоқчага эътиборингизни қаратмоқчиман. Дандон пичоғини, асосан, савдогарлар ёки мусофирчиликда мунтазам юрувчи фуқаролар белига тақиб юрган. Буни ҳунармандлар жуда юқори баҳолашади. Унинг сопи фил тишидан, қини ва гулбанди (соп ва тиғни боғловчи қисм) тоза кумушдан ясалади.

Ҳунарманднинг айтишича, дандон пичоғи моддий қийинчиликка дуч келинганда ҳам асқатган. Гап шундаки, агар савдогар ишлари юришмай қолса ёки саёҳат давомида пулга кучли эҳтиёж сезса ёхуд бошига ташвиш тушиб қолса, ёнидаги дандон пичоғини савдогарларга гаровга қўйган ёки кимошди савдосига ўхшаш удум билан сотиб юборган. Маблағ билан боғлиқ муаммоларини ана шу тариқа ҳал этишган.



— Ушбу дандон пичоғи бобомдан мерос қолган, — дейди у. — Ҳозир ҳам уни жуда қадрлайман. Нафислиги ва тароватини менга ижодда куч бағишлайди.

Андижоннинг Шаҳрихон туманидан келган Содиқжон Неъматов Амир Темурнинг дамашқий қиличи намунасини кўргазмага қўйди. Унинг ўрта қисмида “Куч адолатдадир” деб ёзиб қўйилган. Бу ҳам тарихий меросни асраш, бардавомлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ибратли ишдир.



Уста С. Неъматов пичоқчилик ишлари давомида қадимий “Дамашқ пўлати”ни қайта тиклашга муваффақ бўлди. Унинг таъкидлашича, қадимда Дамашқ шаҳрида қурол-яроғ учун хом ашё бозори бўлган. Аслида “Дамашқ пўлати” бу шаҳарда кашф этилмаган. Уни Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги қадимий гўша — Ахсикентда ўйлаб топишган. Яқинда Ахсикентдан япониялик олимлар томонидан қазиб олинган тарихий ёдгорликлар шундан далолат беради. Фақат савдогарларимиз хом ашёни Дамашқ бозорига олиб бориб сотишгани учун у “Дамашқ пўлати” номи билан машҳур бўлган.

— Дамашқ пўлатидан қилич ва пичоқларнинг тиғ қисми ясалган, — дейди Содиқжон ака. — Унинг асосий хусусияти — жангларда қурол тиғи бир-бири билан тўқнашганда қайрилиб кетмаган, аксинча, рақиб қуролини яроқсиз аҳволга келтирган. Узоқ муддат давомида чархлаш шарт бўлмаган. Бу ноёб пўлат тури чўян, темир ва турли углеводлар аралашмасидан тайёрланади. Ўтда тобланаётган пайтда бир жойнинг ўзига 300 маротабадан кўп урилади ва пишиқ бўлиб етилади. Буни пичоқчи ҳунармандлар тилида 300 қават дейиш мумкин.

Бундан ташқари, шаҳрихонлик уста Амир Темур даврида хуфиялар, элчилар мунтазам ишлатган, камар сифатида тақиб юрилган, эгилувчан эластик қилич материалининг қадимий турини қайта тиклашга эришди.

Халқаро ҳунармандчилик фестивалида бир-биридан қизиқарли, ўзига хос ана шундай маҳсулотлар тақдим этилмоқда.

**Элёржон ЭҲСОНОВ («Халқ сўзи»).**

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

### САЙЁҲЛАР ТААССУРОТИ

*Бугун Қўқон шаҳрининг озода ва ораста кўчаларида сайр қилиб юрган, дунёнинг турли қитъаларидан келган сайёҳларни муштарак бир мақсад — эзгулик ва яхшилик, тинч-осойишта ҳаёт, яратилган шароит ҳамда кенг имкониятлар ўзаро бирлаштирган. Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг энг эзгу ғояси ҳам шу аслида.*

*Сайёҳларнинг таассуротлари билан қизиқдик.*

**Карен МАКРОТЕР (Германия):**

— Тошкент, Самарқанд, Хивада бўлдик. Бугун эса довон оша Қўқонга келдик. Фарғонанинг табиати жуда гўзал экан. Қўқон тарихий ва замонавийликни ўзида уйғунлаштирган шаҳар сифатида дарров эътиборимизни тортди. Ҳунармандчилик намуналари, муҳташам обидалари ўзига хос. Бу ерда биринчи марта ўтказилаётган Халқаро ҳунармандчилик фестивалига катта тайёргарлик кўрилибди. Саёҳатимиз мана шундай нуфузли анжуманга тўғри келганидан хурсандмиз. Чунки бу орқали миллий анъаналар, қадриятлар билан яқиндан танишамиз. Бу — жуда катта имконият.

**Тереза АНВЕС (Португалия):**

— Қўқон темир йўл вокзалида бизни тантанали кутиб олишди. Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Тошкентдан поезд орқали оилам билан бирга табиатни томоша қилиб келдик. Беҳад гўзал. Юртингиз менга жуда ёқди. Халқингизнинг меҳмондўстлигига қойил қолдим, миллий таомларингиз ҳам бетакрор. Халқаро ҳунармандчилик фестивалида иштирок этаётганимиздан хурсандмиз. Бу ерда олган таассуротларимизни юртимизга қайтгач, яқинларимизга гапириб берамиз.

**Елена СОМОЙЛИНКОВА (Россия):**

— Меҳмондўст ва самимий халқингизнинг урф-одатлари бизга жуда ёқди. Шахсан ўзим қадимги осориатиқаларга, буюмларга, пичоқчилик намуналарига қизиқаман. Айнан Қўқондаги Жоме мажмуаси устахонасида ясалган буюмлар эътиборимни тортди. Уста ҳунармандлар уларнинг яратилиш жараёни ҳақида бизга мароқли ҳикоялар сўзлаб беришди. Қадриятлар, анъаналар авайлаб асралаётгани диққатга сазовор.

**Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА ёзиб олди.**

---

# Халқ дейдики...

**Юртимизда тўйлар масаласи ҳамиша энг долзарб ва баҳс-мунозарага сабаб мавзу бўлиб келган. Чунки бу борада кутилган натижага эришиб бўлмаяпти. Яъни тўйларни ихчам, исрофгарчиликка йўл қўймай, ортиқча дабдабабозликларсиз, миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга мос қилиб ўтказайлик, дейилгани сари, аксига олиб, янгидан-янги “удум”лар, тадбирлар, “хурмача қилиқлар” “болаласа болалаяпти”ки, асло камаяётгани йўқ.**

**Бу таҳририятимизга муштарийларимиз томонидан келаётган қуйидаги фикр-мулоҳазаларда ҳам ўз ифодасини топган.**

## Давлат рамзига ҳурматсизлик қилишга ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚҚИ ЙЎҚ

*Яқинда неварам телефонини кўтариб келиб, “Бобожон, мана буни кўринг”, деб бир тўйдан олинган видеолавҳани қўйиб берди. Унда одамлар саҳнада қўшиқ куйлаётган машҳур хонанданинг устидан пул сочаётгани акс этганди. Пуллар санъаткорнинг, “қистир-қистир”га келаётганларнинг оёғи остида қолиб, босилаётганди. Ишонасизми, шу манзарани кўриб, титраб кетдим. Жуда жаҳлим чиқди. Майли, у пулларни қаердан олишган, қандай топишган, ўзлари билади. Лекин бу хоҳлаганимни қиламан, дегани эмас. Ахир пул — давлат рамзику! Унга ҳурматсизлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Афсуски, биров бу ҳолатнинг олдини олай демабди. “Ҳой, ақлингларни йиғинглар, бу тўғри иш эмас”, деб пул сочаётганларни қайтармабди. Ахир тўйхонада қанча одам ўтирибди, наҳотки шундай нохуш манзарага индамай қараб тураверишган бўлса?! Эл таниган санъаткор-чи?! Унинг ақл-фаросати қаёқда қолди? Ватан ҳақидаги қўшиқ айтганини, Ватан тўғрисида оғзидан бол томиб гапирганларини эшитганмиз. Қани ўзидаги ватанпарварлик?! Агар Ватанга муҳаббати, давлат рамзларига ҳурмати бўлса, тўйдаги қўшиғини шартта тўхтатиб, “Эй, акалар, укалар, бу хато иш, пулни оёқости қилманглар”, деб одамларни эгри йўлдан қайтармайдими? Афсуски, у ҳам ҳеч нарса кўрмагандек ғўддайиб турибди. Эсиз, дедим. Бунинг ҳам уволи борлигини унутмаслик керак.*

*Тўй ҳақида шунча гапиряпмиз, бонг уряпмиз, насиҳат қиляпмиз, лекин натижа бўлмаяпти. Бу масалани барибир шундоқ ташлаб қўйиб бўлмайди. Таъсир чорасини кучайтириш керак. Тўйларни тартибга соладиган бирор-бир ҳужжат қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда тартиб бўлади, деб ўйлайман.*

**Ёқубжон МАДАМИНОВ, меҳнат фахрийси.**
Гулистон тумани

## Тартибсизлик БИЗГА ЯРАШМАЙДИ

*Ҳар тонг боламни мактабга олиб бораман. Йўлимизда тўйхона бор, унинг олдидан ўтишга тўғри келади. Аммо ҳар куни тўй сабаб бу кўча машинага шу даражада тўлиб кетадики, тирбандликдан бошинг айланиб қолади. Одамлар машинасини хоҳлаган жойига қўйиб, ошга кириб кетади. Қаердан ўтишингни билмайсан. “Автомобиллар тўхташ жойи йўқми?” деб сўрарсиз. Бор, лекин келиб-кетувчилар кўплигидан, у ерга автоуловлар сиғмай, қолгани кўчаларни тўлдиради. Қисқаси, худди бозорга ўхшайди. Рости, икки-уч марта мактабга кеч қолдик. Ўғлимнинг устозига вазиятни тушунтириб, кечирим ҳам сўрадим. Бироқ бу нарса доим такрорланаверса, ноқулай-да.*

*Тўй қилишмасин, кўчамизда машина тўпланмасин, демоқчимасман. Ҳаммамизнинг ҳам яхши кунларимиз олдинда. Шунчаки, тартибга риоя этса бўладику. “Кўчани тўсиб қўймайлик, ишга, ўқишга кетаётганлар қийналиб қолмасин” деган фикр бўлиши керак-ку!*

*Менимча, бундай ҳолатларга ҳам чек қўйиш лозим. Бир хонадоннинг тўйи, деб бошқа одамлар азият чекиши керак эмас. Бунинг учун тўйдаги дабдабабозликни чеклайдиган қонуний чораларни кўриш, ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишнинг вақти етди, деб ўйлайман.*

**Саъдулла ИБРАГИМОВ, тадбиркор.**
Учтепа тумани

## Таъсир чораларини КУЧАЙТИРИШ КЕРАК

*Бугун тўйлар билан боғлиқ яна бир салбий ҳолатга тўхталмай илож йўқ. Гап шундаки, тўйхонада никоҳ тўйи тугаганидан сўнг, куёв келинни уйига олиб кираётганидан олдин ҳам мушакбозлик, куй-қўшиқ, ўйин-кулги, бақир-чақир авжига чиқади. Соатга қарасангиз, тунги 11 дан ошган бўлади. “Дом”да турганимиз учун “дитс-дитс” дарров ҳаммаёқни тутиб кетади, қулоқни қоматга келтиради. Беихтиёр “Эй, воҳ” деб бошни ушлайсиз-да. Ахир тўйхонада шунча айтилгани, ўйин-кулги қилингани камми?! Наҳотки, бошқаларнинг тинчи, ороми бир тийин бўлса?! Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ярим кечасида шовқин солишса, одамга ёқадими? Болалар, қариялар, кун давомида ишлаб, чарчаб келганлар бор, кимдир касалдир. Фарзандингизни “эртароқ ухла, тонгда мактабга боришинг керак”, деб ётқизсангизу, қулоқнинг тагида мана бундай шовқин қилишса, уйқуси бузилмайдими? Бузилади, албатта, эртасига уйқусираб юради. Хаста одамнинг қон босими ошиб, баттар оғирлашмаслигига ким кафолат беради?!*

*Айтинг, бу анъана қаердан келди? Қаёққа қараб кетяпмиз ўзи?! Бу масалага ҳам катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.*

**Дилёр ЭСОНОВ.**
Сергели тумани

Марказий сайлов комиссиясида

# СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ САЙЛОВ КОДЕКСИГА МУВОФИҚ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда ходимлари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

*Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларни ёритиш бўйича Халқаро матбуот маркази фаолиятини ташкил этиш, МСКнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тасдиқлаш масалалари кўриб чиқилди.*

Сайлов кодекси, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уни очиқлик ва ошкоралик принципларига риоя қилган ҳолда уюшқоқлик билан ўтказиш, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига сайловларга тайёргарликнинг бориши ҳамда сайлов жараёнларини ёритиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ўз вақтида ахборот олиш ва тарқатишни таъминлашга хизмат қилади. Матбуот маркази Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уйда жойлашади.

Мажлисда округ ва участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш бўйича йўриқнома, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этиш учун сиёсий партиялар томонидан имзоларни тўплаш тартиби, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ҳамда номзодларнинг ишончли вакиллари тўғрисидаги низомлар тасдиқланди. Шунингдек, “Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш тўғрисида”ги қарор ҳам қабул қилинди.

— Ҳозирги вақтда Сайлов кодекси талаблари асосида Марказий сайлов комиссиясининг бутун норматив базасини қайта кўриб чиқдик, — дейди Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Маҳмуд Истамов. — Низом ва йўриқномаларнинг бир қатори бугун тасдиқланди. Улардан бири — округ ва участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш бўйича йўриқнома бўлиб, у ниҳоятда муҳим саналади. Буни қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, Қонунчилик палатаси депутатлигига 150 та, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига 800 дан ортиқ, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига 5 минг 700 дан зиёд округ сайлов комиссиялари тузилади. Бундан ташқари, бевосита фуқаролар овоз берадиган жой, яъни 10 мингдан ортиқ участка сайлов комиссиялари тузилади. Ўртача ҳар биттасида 11 нафар аъзо бўладиган бўлса, 180 мингдан зиёд одамларни сайлов комиссиялари аъзолигига сайлашимиз ва тасдиқлашимиз керак. Бугун қабул қилинган йўриқномада мана шуларнинг тартиботи акс этган. Шу ўринда участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларнинг номзоди, энг аввало, меҳнат жамоаларидан, маҳаллалардан тавсия қилинади. Кейинчалик уларнинг номзодлари тегишли халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларида кўриб чиқилади ва уларнинг тавсияси асосида тегишли туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Участка сайлов комиссиялари, умуман, сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар Ўзбекистон фуқароси бўлиши, камида 21 ёшга тўлган бўлиши лозим. Ва албатта, аввалги сайловларда тажрибага, билим ва малакага эга бўлган инсонлар сайлов комиссияси аъзоси бўлиши мумкин.

Мажлисда сўзга чиққанлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси, тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан очиқ ва ошкора ҳамда Сайлов кодексига тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилишини таъкидладилар.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТОМОШАБИН БЎЛИБ ЭМАС, ИСЛОҲОТЛАРГА ДАХЛДОР БЎЛИБ ЯШАШ КЕРАК

1

Жуда кўп салбий иллатларга йўл очаётган, оилалар мустаҳкамлигига путур етказиб, ижтимоий табақаланишга олиб келаётган тўй-ҳашам ва оилавий маросимларни камхарж, камчиқим ўтказишда ҳам улар, асосан, томошабин бўлиб қоляпти.

Натижада жойларда ёмон анъаналар давом этмоқда, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари сезиларли даражада камаймаётир. Буни жорий йилнинг 8 ойи давомида Тошкент шаҳридаги 508 маҳалланинг 370 тасида жами 1037 жиноят содир этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бор-йўғи 138 та маҳалла фуқаролар йиғинида жиноят қайд этилмаган, холос.

Умуман, маҳалла учун, маҳалланинг кекса ва нуронийлари учун тааллуқли бўлмаган масаланинг ўзи йўқ. Жиноятчилик деймизми, ажрим деймизми — ҳеч бир ҳолатга оқсоқоллар бефарқ бўлмаслиги, бу муаммоларни ўзиники деб билиши, уларни бартараф этишда фаоллик кўрсатиши зарур, дейилди тадбирда. Зеро, кексалар бор жойда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат бўлади. Маҳалла раиси, унинг кексалар масалалари бўйича ўринбосари ҳар ҳафтада 2 марта нуронийларни йиғиб, содир этилган воқеаларни кенг муҳокама қилса, жамоатчилик муносабати шаклланади ва пировардида жойларда нохуш иллатлар ўз-ўзидан камайиб боради.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# МЕН ҲАМ ҚОРАҚАЛПОҚМАН

*Қорақалпоқ халқини, унинг адабиётини жуда қадрлайман, чин дилдан яхши кўраман. Бу эъзоз тўлқинини қалбимга мўътабар устозим Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Абдулла Орипов жойлаган. Қорақалпоғистон халқ шоири Музаффар Аҳмад “Ҳар қорақалпоқнинг бир ўзбеги бор, Қорақалпоғи бор ҳар бир ўзбекнинг” деб ёзганидек, ўзбек ва қорақалпоқ адибларининг бир қориндан талашиб тушган фарзандлардек бирибирига меҳру муҳаббати чексиз ва мустаҳкам.*

Адабий жараён

Нукус, Чимбой, Кегейли, Тахтакўпир, Қўнғирот, Мўйноқдаги адабий тадбирлар, Элликқальада ўтказилган “Нафосат — бўстоним менинг” ёш ижодкорларнинг анъанавий анжумани эгиз бадиият анъаналаримизнинг байрамларига айланиб улгургани айни ҳақиқат.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов ўз шеърида “Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам” деб ёзганидек “Мен Нукусни соғинаман кўрмасам” деган ҳароратли туйғу жўш уради, биз ўзбек ижодкорлари юрагида.

*Ўзбек элим ериндa гард, тупроқман,*
*Улли шоирлар ичинда урпоқман.*
*Минжир, сарой, кенагасга аймоқман,*
*Зотим чуют, мен ҳам қорақалпоқман.*

Улуғ Устюрт кенгликлари, Қўнғирот ва Мўйноқдаги бунёдкорлик ишлари бугун барча ижодкор аҳлини илҳомлантирмоқда. У ерда яшаётган, Ватанимизни янгидан қураётган халқнинг фидокорона ва мардона меҳнати бугун тилларда достон. Президентимизнинг яқинда Мўйноқда халқ билан учрашувда айтган: “Бизнинг ислоҳотларимизга ким шубҳа қилса, Мўйноққа келиб кўрсин” деган сўзлари замирида мамлакатимиз нақадар ўзгариб, гуллаб-яшнаётганининг амалий тасдиғи каби янграб турибди.

Икки жондош, қавму қариндош халққа, унинг сўз санъатига хизмат қилиш — илоҳий куч-қувват, битмас-туганмас илҳом, тенгсиз қувончларни бахш этади. Шу маънода, кеча “Халқ сўзи” газетасида эълон қилинган устозим Ибройим Юсуповнинг “Ўзбекистон” номли шеъри менинг тажримам бўлиб, бу ҳам қорақалпоқ адабиётига ҳурматимнинг яна бир ифодасидир.

**Рустам МУСУРМОН,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР













Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Худоёр Маматовга отаси

**Теша МАМАТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ҳамда касаба уюшма қўмитаси Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини ўрганиш маркази директори Игорь Бутиковга турмуш ўртоғи

**Татьяна ЦЕПКОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 876 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.00 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6